Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 68-69 (519-520) 2021 йил 20 август, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



## Шу куннинг гаплари

Тошкент вилоятида **1 050** та МФЙлар мавжуд бўлиб, **150** таси янгидан фойдаланишга топширилди. Яна **265** тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Қорақалпоғистон Республикасида етим, ота-онасидан маҳрум бўлган болалар учун **33** та уй-жой олиб берилади. Бу тадбирга **5,186 млрд** сўм ажратилади.

Хоразм вилоятининг **85,5 км** йўлларида давлат дастури бўйича асфальт ётқизилди. Йўлларни ободонлаштириш янада жадаллашмоқда.

Андижон шаҳридаги тажриба-синов заводи ўрнида фаолият кўрсатаётган “Dinar Group” текстиль корхонасида **1,5 минг** киши ишлайди. Корхона ойига **2 млн** долларлик маҳсулотни 7 та давлатга экспорт қиляпти.

Фарғонанинг эски аэродром ҳудудида **24 минг** иш ўрнига эга кичик саноат зонаси қурилади ва **40 минг** аҳоли учун 7-25 қаватли **313** та кўп қаватли уйлар қурилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮК ТАШУВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Автомобиль транспортида юк ташувчи тадбиркорлик субъектларининг автотранспорт воситалари паркини янада янгилаш ва модернизация қилиш, маҳаллий юк ташувчилар учун қулай рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, автомобилда халқаро ташувлар соҳасини ривожлантиришнинг ижобий тенденциясини сақлаб қолиш мақсадида:

1. Юк ташиш учун мўлжалланган, ишлаб чиқарилганига 7 йилдан ошмаган қуйидаги транспорт воситаларини 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда уларга божхона божининг, утилизация йиғимининг ва автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун автотранспорт йиғимларининг ноль ставкалари қўлланилсин:

“Евро-5” ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган автотранспорт воситалари (ТИФ ТН кодлари 8701 20, 8704 22 (самосваллардан ташқари);

тиркамалар ва ярим тиркамалар (ТИФ ТН кодлари 8716 31, 8716 39).

2. Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган, ишлаб чиқарилганига 7 йилдан ошмаган қуйидаги транспорт воситалари 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда мажбурий сертификатлашдан озод қилинсин:

“Евро-5” ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган юк ва махсус автотранспорт воситалари;

автомобиль транспортида юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркамалар ва яримтиркамалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Белгилансинки, мазкур қарорга илованинг 2-банди “б” кичик банди ҳамда 3-банди “в” кичик банди у расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И. Р. Махкамов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 август

## Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигига бағишланган ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тошкентда “Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги: пойдевори, истиқболлари, геостратегик аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Марказий Осиё халқаро институтида ўтказилган халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан Конрад Аденауер жамғармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси ва Марказий Осиё халқаро институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Содиқ Сафоев унинг мақсад ва вазифаларига алоҳида тўхталиб, шундай деди:

– Ушбу илмий-амалий конференция бевосита Тошкент конференциясининг давоми бўлиб, ўз навбатида унинг мазмун-моҳиятини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форумда сўзлаган нутқининг қоида ва хулосаларини чет эл ва мамлакатимиз экспертлари ҳамда кенг илмий жамоатчилигига етказиш мақсадида ташкил қилинди. Конференция орқали макроминтақада икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш, муқобил транспорт йўлаклари тармоғини, логистика марказлари тармоғини яратиш, савдо ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтириш, барқарор ривожланиш муаммолари, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, трансминтақавий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва миллий қонунчиликни уйғунлаштириш каби соҳаларда минтақа муаммоларини чуқур таҳлил қилишга қаратилган илмий тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш ҳам мақсад қилинган.

4-бет

Президент интервьюсини ўқиб...

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧЯПТИ

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
“O'zbekiston bunyodkori” бош муҳаррири.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири билан бўлган интервьюси катта қизиқиш билан ўқилиб, унда кўтарилган масалалар кенг муҳокама қилинмоқда. Мазкур суҳбатда сўнгги 30 йил мобайнида эришган ютуқларимиз, ислоҳотлар мақсади, мазмун-моҳияти бутун бўй-басти билан гавдаланган.**

**“Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда”** деб номланган ушбу интервьюда юртимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган даврлар, кейинги беш йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар ҳақида сўз борар экан, уни ўқиган киши “Янги Ўзбекистон”, деган тушунча реал воқеликка айланганини ҳис қилиши табиий. Шу билан бирга ҳозирги шиддатли ўзгаришлар жараёни, дунёда бўлаётган воқеликка холис муносабат ортиқча пафосларсиз, халқчил тарзда кенг очиб берилган. Шунингдек, жамиятимизга дахлдор масалалар, амалга оширилган ишлар батафсил ва аниқ мисолларда айтилгани катта аҳамият касб этади.

Бир қатор эзгу ғоялар илгари сурилган давлат раҳбарининг интервью давомидаги сўзларида улуғ аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак адашмаган бўламиз.

Ўзбекистон тарихининг биринчи Ренессанси – Сомонийлар даврига тўғри келиб, ушбу даврда буюк аждодларимизнинг яратган илмий-фалсафий асарлари ва оламшумул кашфиётлари ислом цивилизациясига тамал тоши бўлди.

3-бет


Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари

Қонунчиликни билинг

## Шаҳарсозлик кодексининг 43-моддаси нима ҳақида?

**43-модда.** Аҳоли пунктининг муқобил бош режасини ишлаб чиқиш тартиби

Аҳоли пунктининг муқобил бош режаси аҳоли пунктининг таклиф этилган бош режасидан норози бўлган жамоатчилик назорати субъектларининг ташаббусига кўра ва уларнинг маблағлари ҳисобидан бажариладиган лойиҳавий, илмий ишланмадан иборат.

Аҳоли пункти муқобил бош режасининг ташаббускори маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органига ўз аҳоли пунктининг бош режасини муқобил бош режа деб топиш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ёзма аризани олганидан кейин аҳоли пункти бош режасининг тайёрлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, уни муқобил бош режа деб топиш ҳамда жамоатчилик экспертизасига ва жамоатчилик муҳокамаларига тақдим этиш ёки уни асосланган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Аҳоли пунктининг бош режасини муқобил бош режа деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан ушбу Кодекснинг 39-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Аҳоли пунктининг муқобил бош режасини ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, келишиб олиш ва унинг жамоатчилик муҳокамаси ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Аҳоли пунктининг бош режаси муқобил бош режа деб топилган тақдирда, ташаббускорга уни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни ушбу бош режанинг буюртмачиси томонидан қопланади.

## БОҚИЙ ВА КЎҲНА БУХОРОДА ЎЗГАРИШЛАР АВЖИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан



**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Азалдан муҳим саналарни муносиб нишонлаб келаётган халқимиз мустақиллик байрамини ҳам ҳар йили катта тантана билан кутиб олишга одатланди. Бу йил ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланади. Табиийки, байраму тантана совға-саломсиз ўтмайди. Шу боис, айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудида бу муҳим санага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.**

Бой тарихи, бетакрор меъморий ёдгорликлари, маданияти, олиму уламоларининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси, гўзал табиати ва бошқа кўплаб жиҳатлари туфайли дунёга танилган Бухоро вилоятида ҳам тайёргарлик авжида. Иқтисодиётнинг барча жабҳасида улкан ютуқларга эришаётган вилоятнинг юртимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси рақамларда ҳам намоён. Хусусан, жорий йилнинг январь-май ойларида ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўсиш 112,3 фоизни ва қурилиш-пудрат ишлари бўйича 110,4 фоизни ташкил этди. Чакана савдо айланмаси ҳажми 4,9 триллион сўмни ва ўсиш суръати 104 фоиз, барча хизматлар ҳажми 4,6 триллион сўм ёки ўсиш суръати 124,4 фоиз бўлгани ҳам фикримизнинг исботидир.

Вилоятнинг энг чекка ҳудудида яшовчи аҳоли ҳам ҳис қила оладиган даражадаги ўзгаришларга раҳбарларнинг халқ билан доимий алоқа ўрнатгани, эл орасида юриб, муаммоларини ҳал қилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Биргина шу йилнинг ўтган даврида вилоят раҳбарлари иштирокида 17 та сайёр ва шахсий қабул ўтказилиб, унда 1 500 га яқин жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммолари ўрганилди. Аҳоли билан мулоқотнинг энг самарали йўли сифатида “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш тизими йўлга қўйилди. “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”ни юритиш борасида ўзига хос тажриба орттирилди. Табиийки, бу чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, оилалар фаровонлигини оширишда ўз самарасини бермоқда.

2-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№68-69 (519-520) 2021 йил 20 август

# БОҚИЙ ВА КЎҲНА БУХОРОДА ЎЗГАРИШЛАР АВЖИДА

1-бет

Вилоятда камбағалликни қисқартириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонининг ажратилиши ҳам бу йўналишда яхши самара беряпти. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, вилоятда 43 818 эҳтиёжманд оиладаги 169 246 фуқаро "Темир дафтар"га киритилган бўлиб, уларнинг 48 146 таси меҳнатга лаёқатли, аммо ишсиз. Ушбу фуқаролар бандлиги таъминланиши натижасида уларнинг асосий қисми камбағаллар рўйхатидан чиқарилди. Ҳозирги кунда "Темир дафтар"нинг янгиланган рўйхатида 2 207 оиланинг 6 718 нафар камбағал аъзоси мавжуд. Уларни муқим иш ўрни билан таъминлаб, рўйхатдан чиқариш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ҳудудий сектор раҳбарлари томонидан жорий йил охирига қадар 1 054 та эҳтиёжманд оиланинг даромад манбаи шакллантирилиб, "Темир дафтар"дан чиқарилиши ҳамда 1 153 та оилани моддий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган "Ёшлар дафтари" бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам ўз мевасини бермоқда. Натижада бухоролик бир қанча ёш йигит-қизлар ҳаётда ўз ўрнини топиб улгурди. Хусусан, Бухоро шаҳрининг "Хўжа Мушкин" маҳалласида яшовчи Нафиса Ҳамидова ҳам ёшлигидан тикувчилик касбига қизиққан ва бу йўналишда тажрибага эга. Болалар ва аёллар кийим-кечагини тикиб тайёрлашни ўзлаштирган Нафиса тикув дастгоҳи йўқлиги учун даромадсиз қолганди. Унга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилгач, ўзининг кичик цехини очди. Бугун эса чевар дугоналари билан биргаликда турли андозадаги либосларни тикмоқда.

– Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, ер ажратиш, бозорда талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, тартибли ва хавфсиз миграция тизимини йўлга қўйиш, 1+1 лойиҳаси доирасида ҳунарманд ва тадбиркорларга ёшларни бириктириш борасидаги ишлар натижасида "Ёшлар дафтари"га кирган йигит-қизларнинг қарийб 90 фоизи бугунги кунда дафтардан чиқди, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси мутахассиси Достон Низомов. – Хусусан, 4 мингдан ортиғи тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олди. Бугун улар тенгдошлари бандлигини таъминлашга ҳам кўмаклашмоқда.

Бухоро шаҳрининг биринчи секторига қарашли Ёшлик маҳалласида истиқомат қилувчи Нусратилла Ядгаров учун ҳам бу имконият ҳаётида туб бурилиш ясади.

– Кўп йил Россия Федерациясига қатнаб, ишлаб пул топиш мақсадида дуч келган ишларни қилишга мажбур бўлдим. Аммо ўтган йилги пандемия хавф-хатари пайтида уйимга қайтиб, бутунлай ишсиз ва даромадсиз қолдим, – дейди Нусратилла Ядгаров. – Маҳалладан мени "Ёшлар дафтари"га киритишгани айни муддао бўлди. Сабаби менга субсидия асосида зарур меҳнат қуроллари тақдим этишгач, сартарошхона очиб, ишимни бошладим. Эндиликда ишлаб кунига ўртача 200 минг сўм атрофида пул топиб, оилам эҳтиёжларини қоплаяпман.

## ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакат тараққиёти вилоятларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига бевосита боғлиқ. Шу боис, юртбошимиз ҳар бир вилоятга ташрифи чоғида энг аввало, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишади. Бухоро вилоятининг ҳам юртимиз иқтисодиётида ўз ўрни бор.

Вилоятни 2021-2022 йилларда ривожлантириш ҳудудий дастурига мувофиқ, умумий қиймати 19,2 триллион сўмга тенг 713 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши ҳисобига 23 минг 718 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Жорий йил январь-июнь ойларида қиймати 1,1 триллион сўм бўлган 230 та лойиҳа ишга туширилиб, 2 230 та янги иш ўрни очилди. Жумладан, Ғиждувон туманида "Парвоз Ҳумо Равнақ транс" МЧЖ негизида амалга оширилган лойиҳа ҳисобига 260 та янги иш ўрни яратилди. Когон туманида "Кумушкент текс" МЧЖ негизида қиймати 32,8 миллиард сўмлик енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси 70 та янги иш ўрни очилишига олиб келди. Дастур доирасида 9 ой якуни бўйича қиймати 2,2 триллион сўмга тенг бўлган 261 та лойиҳа ишга туширилиб, 5 900 та янги иш ўрни барпо этилади. Йил охирига қадар эса қиймати 7 триллион сўмлик 713 та лойиҳа иш бошлаши ортидан яна 15 мингга яқин янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ, вилоятда жорий йилда 37 та лойиҳа доирасида 248 миллион долларга тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилиниши белгиланган.

Табиийки, бундай чора-тадбирлар туфайли ишлаб чиқариш тармоғи кенгайиши баробарида экспорт ҳажми ҳам ошмоқда. Хусусан, 2021 йилда вилоятда 163,6 миллион долларлик экспорт прогнози белгиланган. Шундан 131,9 миллион долларлик саноат маҳсулотлари, 31,7 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бажарилиши кўзда тутилган. Экспорт фаолиятига 45 дан ортиқ янги корхона жалб этилиб, Малайзия, Сингапур ва Португалиядан янги бозорлар ўзлаштирилди.

## ОБОД МАНЗИЛЛАР ОРЗУСИДА

Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида бугун пойтахтимизнинг гавжум маҳаллаларидан тортиб юртимизнинг энг олис ҳудудларигача янги қиёфага кирмоқда. Бу янгиланиш шабадаси азиз авлиёлар юртини ҳам четлаб ўтгани йўқ, албатта. Жорий йилда вилоятдаги 476 та маҳалла фуқаролар йиғинида 1 триллион 361 миллиард сўм, жумладан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 333,6 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Шундан, республика ва маҳаллий бюджетдан 56,3 миллиард сўм, тармоқ корхоналаридан 19,7 миллиард сўм, банк кредит маблағларидан 10 миллиард сўм, аҳоли, тадбиркорлар ва ҳомийлик маблағларидан 67,5 миллиард сўм, ичимлик сув дастури доирасида 81,8 миллиард сўм, ички йўллар дастури доирасида 42 миллиард сўм маблағ ҳисобидан тегишли тадбирлар амалга оширилади.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига киритилган ҳудудларда 167,8 километр узунликдаги ички йўлларни тартибга келтириш, 295 километр ичимлик суви, 32,4 километр табиий газ тармоқлари, 11 та ичимлик суви иншооти, 181,1 километрлик электр энергияси тармоғи, 25 та трансформатор, 73 та газ тақсимлаш пунктини таъмирлаш ва модернизация қилиш, шунингдек, ҳудудларда 26 та маҳалла фуқаролар йиғини бинолари, 42 та ижтимоий соҳа объектида реконструкция, қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Когон шаҳрининг "Арабхона" ва "Бобур" МФЙларида истиқомат қилаётган қарийб 2 мингта хонадон, 6 минг 400 га яқин аҳоли учун зарур инфратузилмани яратишга маҳаллий бюджет ҳисобидан умумий қиймати 53 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Жумладан, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг доимий даромад манбаларини яратиш, маҳаллалар архитектура қиёфасини янгилаш ва ҳудудларини ободонлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган ва амалий ишга ўтилган. 6 миллиард 200 миллион сўм маблағ ўнга яқин маҳалла ички йўлларини таъмирлашга сарф этилмоқда. Бу жараёнда юқоридаги икки маҳалла билан бирга, "Алишер Навоий", "Темирйўлчи", "Махтумқули", "Бунёдкор", Абдулла Қодирий, "Зиёкор", "Навзирабод", "Хўжабарги", Мирзо Улуғбек каби маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 17 километр йўлни асфальтлаштириш ишлари бошланган. Худди шундай, 6 миллиард сўмдан зиёд маблағ темирйўлчилар шаҳрида уй-жой фондини ривожлантиришга йўналтирилган.

Вобкент туманида ҳам "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида "Ўзбакон" МФЙ Порлоқ келажак қишлоғи ҳамда "Шоҳнигор" МФЙ Шоҳнигор қишлоқларида кенг кўламдаги қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Биргина Шоҳнигор қишлоғини олсак, туман марказидан 13 километр узоқликда жойлашган мазкур аҳоли пунктида айни кунда 951 та хонадонда 4 минг 400 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, давлат дастурига мувофиқ ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш мақсадида маҳаллий бюджетдан 12,1 миллиард сўм маблағ молиялаштирилган. Хусусан, алоҳида тоифаланган 14 та кам таъминланган оила уйини том қисмини, 11 та хонадон бошпанасининг дарвозасини, яна 150 дан ортиқ уйнинг фасадини янгилаш ишларига киришилган. Шунингдек, 18-сонли мактабгача таълим ташкилоти таъмирига 1,6 миллиард сўм, 15-сонли умумтаълим мактабини қайта таъмирлашга 2,3 миллиард сўм, "Шоҳнигор" оилавий поликлиникаси таъмирига 550 миллион сўм маблағ ажратилиб, шу кунда амалий иш, аҳволни ўнглаш ҳаракати бошлаб юборилган.

– Қишлоғимизда инфратузилма масаласида йиғилиб қолган муаммолар батафсил ўрганилгани ҳолда 1 километр йўл қисмини асфальтлаштириш, 2,5 километр йўлга шағал бостириш, худди шундай, 42 та хонадонга газ баллони етказиб бериш ва 2,8 километрли табиий газ тармоғи ва мавжуд 2 та газ тақсимлаш пунктини таъмирдан чиқариш ишлари комплекс бошлангани аҳоли учун ҳам катта хурсандчилик бўлди, – дейди "Шоҳнигор" МФЙ раиси Имом Саломов. – Тик қудуқ – "скважина" қуриш ва ҳududдаги 18 километр масофага водопровод қувури тортиш ишларига 4,4 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, гидроиншоот қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Электр энергияси таъминотида рўй бераётган узилишларга барҳам бериш мақсадида эскириб яроқсиз ҳолга келган 5,6 километр масофадаги линияни тўлиқ янгилаш, истеъмол ҳажмидан келиб чиқиб қўшимча 2 та янги трансформаторни ўрнатиш, эскиларини таъмирлаш, эскириб яроқсиз ҳолга келган симёғоч ўрнига 114 та бетон таянч устунни ўрнатиш ишларига 739 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, шу кеча-кундузда бу ишлар ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Маҳалла марказидаги кўчага 27 та тунги ёритиш чироғи қўйилиб, жами ўнга яқин савдо ва маиший хизмат шохобчаси иш бошлаётгани қўшимча иш ўрни, даромад манбаи дегани ҳамдир.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бўйича вилоятнинг барча туманларида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.







## БУНЁДКОРЛИК АВЖИДА

Дастурлардан ташқари, вилоятнинг ҳар бир ҳудудида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Хусусан, Ғиждувон туманида ҳам қатор умумтаълим мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик авжида. 420 ўринли 23-сонли таълим даргоҳи биносида "Ғиждувон Стандарт қурилиш сервис" МЧЖ томонидан мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу лойиҳа смета қиймати 6 миллиард 500 миллион сўмга молиялаштирилган. Янгидан қурилаётган 4 қаватли бинонинг пойдевори тикланиб, ғишт териш ишлари бошланмоқда. Мукаммал таъмирлаш ишларида олтмишдан ортиқ ишчи-мутахассис, ўнга яқин махсус техника воситаси кучидан унумли фойдаланилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида "Тодон" МФЙдаги Ойдинкўл массивида 9 та 5 қаватли, 20-30 хонадонли уй-жой қурилиши давом эттирилмоқда. Жумладан, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ томонидан 3 та 5 қаватли 30 хонадонли уй-жойлар қурилмоқда. Айни кунда бу иншоотларда ғишт териш ишлари бормоқда. Бу ишларга йигирмага яқин махсус техника ва жами 140 нафар ишчи-қурувчи жалб қилинган.

Бунёдкорликлар Шофиркон туманида ҳам қизғин давом этмоқда. "Мирзоқул" МФЙда инвестиция маблағлари асосида "Шофиркон Моҳитобон" ва "Бухоро Жондор строй" МЧЖ қурилиш-пудрат ташкилотлари, яна давлат субсидия маблағлари асосида 2 та иншоотда "Шофиркон Жўйнав қурилиш" ҳамда "Perfect solution build" МЧЖ томонидан кўп қаватли уй-жой қуриляпти. Айни кунда мазкур объектларнинг 3-4 қаватларини тиклаш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Бухоро туманидаги "Обод қишлоқ" давлат дастурига киритилган ва кенг кўламдаги саъй-ҳаракат бошланган "Туркон" МФЙда бугунги кунда 1 178 та оила, 4 542 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуддаги 11-сонли умумтаълим мактабида мукаммал таъмирлаш ишлари "Элегант инвест" МЧЖ томонидан олиб борилмоқда. Бунда айни пайтда кўзланган ишларнинг ярмидан ортиғи уддаланган. Маҳалла йўлининг 1,5 километрини асфальтлаштириш, 1,2 километр тупроқ йўлда шағал ётқизиш ишлари ниҳоясига етказилган. "Туркон" қишлоғи инфратузилмасини яхшилаш мақсадида давлат бюджетидан 13,4 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, дастур асосида қишлоқ тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Бундан ташқари, маҳаллада 715,3 миллион сўм маблағ ҳисобидан айни кунда 430 та хонадонни фасад қисмини таъмирлашга киришилган. Ҳудудда жами ўнга яқин савдо дўкони, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очилаётгани шунча оила моддий манфаатдорлигини таъминлашга хизмат қилади, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги "2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ромитан туманидаги мавжуд кўп қаватли турар жой иншоотларидан 7 та кўп қаватли уйни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Уйларнинг даҳлизи ва йўлаклари, тротуар қисмига бетон қопламаси ётқизилмоқда. Йил якунигача 2 та кўп қаватли уй-жойда болалар майдончаси қурилиши режалаштирилган.

Туманда фаолият кўрсатаётган биргина "Мададкор" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан айни кунда 31 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатиб келинади. Таъкидлаш лозимки, тумаnнинг Газли шаҳарчаси бундан мустасно ва бу чўлқуварлар ҳудудида 59 та кўп қаватли турар жой иншооти бўлиб, уларда мингдан ортиқ хонадон ва 2 760 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Бу уйларнинг 10 таси "Газлимагистралгаз қувурлари" корхонаси хизмат уйлари ҳисобланади. Сўнгги йилларда, аниқроғи, 2017-2020 йилларда Газли шаҳарчасида намунавий лойиҳаларда қурилган кўп қаватли уй-жой сони 15 тани ташкил этмоқда.

Айни кунда Ромитан туманининг "Қоқиштувон" ҳамда "Қизилработ" МФЙларида "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида умумий қиймати 20 миллиард 118 миллион сўм маблағ молиялаштирилган. Шундан мавжуд 2 та умумтаълим мактаби биносини мукаммал таъмирлаш учун 2 миллиард 872 миллион сўм, 1 та мактабгача таълим ташкилотини таъмирдан чиқариш мақсадида 1,5 миллиард сўм, яна ҳудуддаги оилавий поликлиника биноси таъмирига 1,1 миллиард сўм, ҳар икки маҳалла маъмурий биносини янгидан қуриш учун жами 532 миллион сўм маблағ ўзлаштирилган.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусдан бири – жисмоний тарбия ва спортга йўналтирилган бўлиб, унда ёшларни жисмонан ва руҳан чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида ўз қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитни яратиш мақсад қилинган. Шу маънода, вилоят марказидан 100 километр узоқликда, олис чўл бағридаги Газли – оловкорлар шаҳарчасида "Газли кўп тармоқли спорт мажмуаси"нинг қад ростлаши аҳоли ва улар фарзандлари учун ҳам қувончли воқеа бўлди.

## ГЎЗАЛ МАНЗИЛЛАРГА ЧОРЛОВЧИ РАВОН ЙЎЛЛАР

Шу кунларда вилоятнинг ҳар бир туманидаги йўлсозлар корхонаси томонидан йил аввалида тузилган манзилли ўрганишлар дастурига мувофиқ ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Бухоро тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан "Шергирон" МФЙ Дехимиёна қишлоғининг кўп йилдирки, таъмирталаб аҳволдаги йўлининг 1,3 километри кенгайтирилиб, шағал бостирилгани аҳоли учун ҳам айни муддао бўлди. Бу ишда автогрейдер, зичловчи каток, 10 та юк ташувчи автомашина, сув сепиш автомашинаси жалб қилинди ва 1 700 тонна қум-шағал аралашмаси сарфланган.

Худди шундай, Когон тумани йўлсозларининг ўндан ортиқ кишилик механизациялашган жамоаси аҳолидан тушган мурожаатларга жавобан бир неча кундирки, "Чолоқи" МФЙнинг Қаллиқон кўчасида таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Мазкур участкада ҳозирга қадар 500 метр йўл қисмини рисоладагидай асфальтлаштиришга жами 254 тонна зарур хом ашё ўзлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Шофиркон тумани йўлсозлари томонидан шу кунларда "Бобоҳайдар" МФЙ Региён қишлоғи ички хўжалик йўлининг 240 квадрат метр қисми талаб даражасида асоси тайёрланиб, асфальтлаштириш ишларида 120 тонна асфальт-бетон маҳсулоти бостирилган. Тумандаги "Талисангобод" МФЙнинг Жилвон чўлига туташган Чақар қишлоғида ҳам 0,8 километр йўл қисми кенгайтирилиб, асфальт ётқизиш ишлари якунланган. Асфальтлаштириш ишларида каток, укладчик, ўнга яқин юк ташувчи автоулов жалб қилиниб, ўндан ортиқ ишчи-мутахассис кучи билан 390 тонна асфальт ётқизилган. Шу қаторда куни кеча "Жўшўра" МФЙда ички йўлнинг 0,65 километр қисми ҳам қайта таъмирланиб, 340 тонна асфальт ётқизилгани қишлоқ аҳолиси мушкулини осон қилди.

## 28 ТА КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИ ҲУДУД ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Бугун юртимизда тадбиркорлик энг ривожланган соҳалардан бири саналади. Ўз навбатида улар учун яратилган шароит ва имкониятлар ҳам шунга яраша. Айни пайтда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришда кичик саноат зоналарининг ўрни жуда муҳим. Бухоро вилоятининг 13 та шаҳар ва туманида бугунги кунда 28 та кичик саноат зонаси ташкил этилган. Ушбу саноат зоналарида умумий қиймати 1020,0 миллиард сўмлик инвестиция киритиш эвазига 6 мингта янги иш ўрни яратиш шарти билан 217 та тадбиркорлик субъектига бўш ер майдонлари ажратилган. Ҳозирги кунда лойиҳаларнинг 68 таси ишга туширилиши натижасида 874 та янги иш ўрни пайдо бўлди. Жорий йил якунига қадар 17 та кичик саноат зонаси муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланади.

Бу каби тадбирлар натижасида вилоятда кичик бизнес субъектлари фаолияти ҳам йил сайин кенгаймоқда. Бугунги кунда вилоятда 26 108 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатади. Эътиборлиси, уларнинг 15 106 таси ёки 58 фоизи сўнгги 3 йилда ташкил қилинди. Жорий йилнинг январь-май ойларида 2631 та тадбиркорлик субъекти ва 4 383 янги иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, ҳудудларда жорий йил якунига қадар 4 369 та янги тадбиркорлик субъектини ташкил этиш режалаштирилган. Бундай чора-тадбирлар аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

## ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР – ЗАМОН ТАЛАБИ

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги "Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, юртимиздаги айрим туманлар инновацион ҳудудга айлантирилиши режалаштирилган. Улар қаторида Бухоро вилоятининг Ромитан тумани ҳам бор. Ромитан вилоятнинг саноат ривожланаётган ҳудудларидан бири. Туман иқтисодиёти тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати, зиёрат, экотуризм, иссиқхоналар фаолиятини ташкил этишга ихтисослашган. Аҳолиси 143 минг нафардан кўпроқ бўлган мазкур туманда иккита йирик саноат корхонаси, 12 та қўшма, 316 та кичик саноат корхонаси, 162 та кичик бизнес субъекти, 773 та фермер хўжалиги фаолият юритяпти.

Туманнинг ўзига хос салоҳиятидан оқилона фойдаланиш мақсадида Бухоро вилояти ҳокими ва Инновацион ривожланиш вазири Ромитан туманини инновацион ривожланаётган ҳудудга айлантириш бўйича 2021–2022-йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини имзолашди. Ушбу дастур бўйича туманда саноат, ижтимоий соҳа, қишлоқ хўжалиги ва коммунал хизмат йўналишларида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, ҳудуддаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда 15 та инновацион лойиҳани жорий этиш кўзда тутилган.

Шу кунларда гранулали омихта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси тумандаги "Ғаффоробод" фермер хўжалиги билан ҳамкорликда бажарилмоқда. Бундан ташқари, туманда замонавий препаратлардан фойдаланиб, тупроқ шўрини ювиш орқали ҳосилдорликни ошириш, тўқимачилик ва пардозлаш корхоналарида ҳосил бўладиган оқова сувни кимёвий усулда тозалаш технологиясини жорий этиш бўйича лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Бухоро муҳандислик-технология институти олимлари томонидан қандли диабет билан хасталанган беморлар учун ишлаб чиқилган пойабзал тайёрлаш технологиясини жорий этиш, шунингдек, ортопедик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, туман марказий шифохонасида аллергияга қарши гул чанги қопқонини ўрнатиш, аллергия қўзғатувчилар маълумотлар базасини яратиш, чекка ҳудудларда кичик қувватли шамол энергияси қурилмасини тажриба сифатида ўрнатиш билан боғлиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

## ТУРИЗМ – МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Азиз авлиёлар ватани бўлмиш кўҳна Бухоро бугун улкан янгиликларга бурканган. Бир томонда азим миноралару қадимий кўчалар, бошқа тарафда эса инновацион лойиҳалар асосида қад ростлаётган замонавий бинолар вилоятнинг бугунги қиёфасига ўзгача салобат бағишлаган. Шу боис, бу заминга талпинувчилар, уни бир бор кўришни орзу қилиб келувчилар сони кундан-кун ортмоқда.

– Бутун дунёда юзага келган "COVID-19" коронавирус пандемияси халқ хўжалигининг бошқа соҳалари қаторида туризм тармоғига ҳам жиддий талафот етказди, – дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи Ботиржон Шаҳриёров. – Шунга қарамасдан, кўҳна юртда янги туристик йўналишлар очиш, бор йўналиш ва манзилларда хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш, туризм индустриясини шакллантиришга эътибор оширилмоқда. Мисол учун, пандемияга қарамасдан, шу йил ўтган даврида вилоятда жами 692 ўринга мўлжалланган 25 та жойлаштириш воситаси шай қилинди. Шунингдек, вилоятда 2 та сайёҳлик фирмаси, 2 та ресторан, 3 та туристик ахборот маркази, 128 та йўл кўрсаткич белгиси, 38 та санитар-гигиена шохобчаси фаолияти йўлга қўйилди. Бу саъй-ҳаракат туфайли вилоятга ташриф буюрган сайёҳ сони 1 миллион 625 минг нафардан ошди. Бунда маҳаллий сайёҳ сони 1 миллион 613 338 нафарни ва хорижий сайёҳ сони 11 749 нафарни ташкил этди.

Бундан ташқари, жорий йилда туризмнинг алоҳида турларини ривожлантириш мақсадида 50 та туристик маршрутни ўз ичига олган манзилли чора-тадбир дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, Ғиждувон туманининг Қўрғон ва Чорсу маҳаллаларида, Вобкент туманининг Ширин қишлоғида "Туризм қишлоғи" ва "Туризм маҳалласи" ташкил этилмоқда. Умуман, тегишли қарорга мувофиқ вилоятдаги 28 та туризм объектида ёндош инфратузилма объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва модернизациялаш бўйича жами 82 миллиард 861,3 миллион сўм қийматдаги манзилли дастур ишлаб чиқилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, амалга оширилган ўзгаришларни энг аввало, халқ сезиши керак. Ўйлаймизки, вилоятда энг улуғ ва энг азиз байрамга атаб қилинган бу янгиликларни бухоролик юртдошларимиз ҳар қадамда, ҳар соҳада ва ҳар дамда ҳис қилишмоқда.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧЯПТИ

1-бет

Иккинчи Ренессанс – Амир Темур ва Темурийлар даврига тўғри келиб, нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун Марказий Осиё ўлкалари ўз тараққиётининг янги поғонасига кўтарилади. Бу даврда давлатчилик асослари такомиллашиб, шаҳарсозлик ва меъморчилик авж олди, халқаро савдо ва дипломатик алоқалар жадаллашди.

Учинчи ренессансга қадам... Биз бугун ана шу даврни бошладик. Юртимизда тараққиёт бир зум тўхтамай давом этмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсадларидан бири инсон капиталини ривожлантириш бўлса, бошқаси 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига кириш этиб белгиланган ҳаммамизга яхши маълум. Бугун шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари барча соҳаларда намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳозирги даврни миллий тикланишдан миллий юксалиш томон, деб эълон қилганининг замирида қатъий ишонч ва чуқур ҳикмат мужассам. Негаки, кейинги 10 йиллигимиз асл юксалиш ва тараққиёт даври бўлиши муқаррар.

Мазкур интервьюни ўқиётиб уч йил аввалги бир воқеа кўз ўнгимда гавдаланди. Ўшанда, Тошкент шаҳрида халқаро анжуманлардан бири ўтаётганди: маъруза қилаётган хорижлик олим юртимиз тўғрисида тўхталиб, "Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида энг катта салоҳиятга эга, тез ривожланаётган ва имкониятлари чексиз республикалардан бири" дея эътироф қилди. Ўтмишини чуқур ўрганиб, келажагини кўра билган олимнинг айтгани рост. Мана, яна бир неча кундан сўнг Мустақиллигимизнинг 30 йиллигини халқимиз кенг нишонлайди. Бугун шундай дориломонликка етганимизга шукроналар айтарканмиз, ортда қолган кунлар бевосита кўз ўнгимизда гавдаланади.

Йиллар силсиласи халқимизни жуда кўп ва катта синовлардан ўтказди. Бир эсланг, ўттиз йил аввал биз ким эдик, халқимизнинг яшаш тарзи, ижтимоий аҳволи қандай эди? Қишлоқларни қўяйлиг-у, шаҳарларимизнинг қиёфаси қандай эди, олий таълим даргоҳлари, соғлиқни сақлаш тизими, мактаб ва боғчалардаги аҳволни гапирмаса ҳам бўлади. Юртдошларимизнинг асосий қисми "Оқ олтинни олтин қўллар яратади", деган ҳавоий шиор остида агросаноат мажмуига ипсиз боғлаб қўйилган, саноат корхоналари эса бармоқ билан санарли эди. Кимларгадир муте бўлиб юришдан қутилиш орзуси ота-боболаримизнинг кўксида тош қотган азалий армон эди.

Йиллар шамол мисоли тез ўтиб кетаверар экан. Уларнинг ҳар қайсиси, сиёсатда, саноатда, ёхуд қишлоқ хўжалигида бўлсин, ижтимоий соҳаларда ўзига хос ва мос из қолдириб келяпти. Ўша даврда туғилган инсонлар бугун ўттиз ёшга тўлган, озод юртнинг эркин фарзандлигини дилдан ҳис қилиб, жамиятимиздаги турли соҳаларда шу ватаннинг келажагини янада мустаҳкамлаш ва тинчлигини барқарор таъминлаш учун фидойиликлар кўрсатишмоқда. Айниқса, истиқлолимизнинг иккинчи фасли, яъни янги Ўзбекистонни қуриш бўйича беш йилдан буён барча бўғинларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижалари асрларга татигуликдир.

Ислоҳотлар ташаббускори таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Мана бешинчи йилдирки, халқ фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг турмуш кечиришини энг олий даражага кўтариш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги, ўзига хос тизимини халқимиз билан бирга қуриш давлат раҳбарининг бош мақсадига айланган. Бу масалаларга ечим топишнинг биринчи босқичида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", "маҳаллабай" ҳамда "хонадонбай" ишлаш тизимига ўтилгани қисқа даврда ўз самарасини берди. Бир йил аввал "камбағал, кам таъминланган" ёки "ишсиз" деб ана шу дафтарлардан бирига киритилган кишилар ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли оёққа туриб олишди. Уларнинг аксарияти давлат раҳбарининг топшириғига биноан банклардан имтиёзли кредитлар олиб ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган, ўзини ўзи иқтисодий таъминлаш баробарида бир неча кишини ҳам доимий ишли бўлишларига шароит яратган.

Мана шундай Ватанда яшаётганимиздан ғурурланиб айтиш керакки, турмуш даражаси оғир аҳволга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлашга ҳеч қачон ҳозиргидек аҳамият қаратилмаганди. Уларга меҳр кўрсатиш эндиликда янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Бу жиҳатдан айниқса, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар – келажагимиз" сингари кўплаб дастурлар ҳаётимизга кенг татбиқ қилиниб, амалий ишга киришилгани натижасида ижобий самараларга эришилаётир.

Масалан, "Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" давлат дастурлари доирасида ўтаётган йилда барча шаҳар ва туманлардаги 7 794 та қишлоқ ҳамда маҳаллаларда умумий қиймати 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Президентимиз ўз интервьюсида эътироф этганидек, қишлоқ ҳамда маҳаллаларни ободонлаштиришга ҳеч қачон бундай катта маблағ ажратилмаган, уларнинг ободлашувига бу қадар жиддий эътибор қаратилмаганди. Ободликка қаратилган ҳудуддаги бўлаётган жараёнларни сизу биз, қолаверса, юртимизга ташриф буюраётган чет элликлар ҳам кўряпти, керак бўлса, маҳаллалар билан ишлаш тажрибасини ўзларида татбиқ этишяпти.

Халқимизнинг турмуш даражаси ва яшаш тарзини яхшилаш хусусида гапирилганда ҳақиқатан ҳам республикамизда кейинги йилларда замонавий уй-жойлар қуриш бўйича янги давр бошланганини алоҳида айтиш жоиздир. Айтайлик, сўнгги тўрт йил оралиғида аввалгиларга қараганда бир неча баробар кўп турар жойлар барпо этилди. 2021 йилда давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси давом эттирилиб, 54 минг оилани янги уй-жойлар билан таъминлаш бўйича кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари шу кунларда қизғин олиб боріляпти.

Айни пайтда Ўзбекистон бунёдкорлари ҳар томонлама жаҳон андозаларига жавоб берадиган турар жойлар қуриш бўйича катта тажриба орттиргани туфайли пойтахтимиз қаторида вилоятлар марказлари, шаҳарлар ва туманларда, қишлоқларда аҳоли учун қулай ҳамда шинам, барча талабларга жавоб берадиган уй-жойлар қуриляпти. Бир пайтлар халқимизга ёт бўлган "арзон уй-жойлар", "ақлли уй", "ақлли шаҳар", "рақамли хизматлар" деган янги тушунча ва кўникмалар ҳаётимизга кириб келди. Ҳозирда бунёд этилаётган кўп қаватли уйларнинг ташқи қиёфаси, ён-атрофларида яратилаётган шароитлар аввалгилардан тубдан фарқ қилади. Лойиҳачиларнинг изланишлари натижасида ҳар бирининг олдида болалар учун спорт майдончалари, ҳордиқ чиқаришга мослаштирилган ўриндиқлар, сайр қилиш майдонлари ва бошқа шароитлар яратиб беріляпти. Шунингдек, турар жой мавзелари ичида коммунал инфратузилмалар, газ, электр энергияси, ичимлик суви ҳамда канализация тармоғи тизимлари замонавийлаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари интервьюда **"Барчамизга ризқ-насиба берган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган эл-юрт олдида қарздормиз. Азиз ва ардоқли халқимизнинг розилигига эришиш – биз учун энг буюк саодатдир. Чунки халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади"**, дея фуқароларимизни эркин ва озод яшашнинг қадрига етиб, унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш баробарида, шу юрт, шу Ватаннинг келажаги учун фидойилик кўрсатиб, бу ҳаётдан рози ҳолда, Янги Ўзбекистон пойдеворини янада мустаҳкамлаш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланишда ўз ҳиссаларини қўшишга ундаётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

# Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигига бағишланган ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

1-бет

Форум аслида кўп томонлама кенг мулоқот учун мисли кўрилмаган платформага айланди ва глобал жараёнларда тобора муҳим роль ўйнаётган улкан минтақадаги давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш учун муҳим шарт-шароит яратди. Конференция минтақавий ривожланишда юзага келаётган тенденцияларни англаб етиш, ҳамкорликнинг асосий истиқболларини аниқлаб олиш ҳамда Жанубий ва Марказий Осиё ўртасида ўзаро боғлиқликка эришишда ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент конференциясидаги ўз чиқишида алоҳида таъкидлаганидек: "Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда".



Мазкур форум парламент аъзолари, ташқи сиёсат идоралари вакиллари, икки минтақанинг барча мамлакатларидан, шунингдек, жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан таниқли эксперт ва мутахассислар учун таҳлилий майдон яратишга қаратилган. Форумнинг асосий мақсади Тошкентда июль ойида бўлиб ўтган конференциянинг натижаларини, улкан минтақадаги ривожланиш тенденцияларини, савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, инновация, "яшил" технологиялар, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданият соҳаларида халқаро ҳамкорлик моделларини ҳамда шу соҳалардаги ишончни мустаҳкамлаш назарияси ва амалиёти масалаларини ҳар томонлама муҳокама қилишга қаратилган.

Ташкил этилаётган тадбир якунлари бўйича Тошкентда июль ойида бўлиб ўтган конференция доирасидаги ялпи сессия ва секцион мажлисларда билдирилган хулоса ҳамда қоидаларни амалда рўёбга чиқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг "Xalqaro Munosabatlar – International Relations" (ISSN 2010-6203) махсус сонини чоп этиш назарда тутилмоқда.

Конференция "Барқарор ривожланиш мақсадида Марказий ва Жанубий Осиёда транс-минтақавий алоқанинг ва транспорт-логистика инфратузилмасини модернизация қилишнинг янги модели", "Узоқ муддатли минтақавий тараққиётнинг асосий драйвери сифатида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш", "Рақамли трансформация – минтақавий ҳамкорликнинг янги воқеликлари, имкониятлари ва истиқболлари", "Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида озиқ-овқат, энергетика ва сув хавфсизлиги императивлари" секциялари бўйича ўтказилди.

Анжуманда ташқи ишлар вазирликлари, парламент қўмиталари вакиллари, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, шунингдек, бошқа бир қатор давлатларнинг етакчи олим ва экспертлари иштирок этди. Илмий-амалий анжуман якунида парламентлар, экспертлар ҳамжамиятининг ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, ишонч-эътиқод чораларини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш борасидаги вазифалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Инвестиция, транспорт ва коммуникация, сув-энергетика, экологик, маданий-гуманитар сиёсат соҳаларидаги муаммоларни ривожлантириш мақсадида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг назарий масалаларини ўрганиш, илмий тадқиқот йўналишларини белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

